




Gazeta  
1991-yil  
21-martdan  
chiqa boshlagan

# Ishonch

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 21-noyabr, payshanba № 140 (3333)

## 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 125-модда)

## Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигининг ҳуқуқий асоси



Санокли кунлардан сўнг халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигини кенг нишонлайди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлиги, сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган,

замоनावий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган миллий армияни ташкил этиш бўйича кенг қўлмали ишлар тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа вазирлиги ташкил этилган халқимизнинг ҳеч кимга қарам бўлмай яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлидаги дадил қадам бўлган.

1992 йил 14 январ куни давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ҳудудидagi барча ҳарбий қисм ва муассасаларни Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказишга оид қарори қабул қилинди. Шу куни миллий армиямизга асос солинди. 1993 йилдан бунён бу кун мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонланмоқда. — Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда барча тактик

ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонвий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армияни ташкил этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғи, подпол-

ковник Алишер Қиличев. — Бу жараёнда офицер кадрларни тайёрлаш, ҳарбийларнинг жанговар маҳорати, билим ва малакасини ошириш, маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Истиқлол йилларида Тошкент олий умумқўшин кўмондонлиги, Чирчиқ олий танк кўмондонлиги ва Самарқанд олий ҳарбий автомобил кўмондонлиги-муҳандислик билим юрталари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетига алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. 1995 йилда Марказий Осиёдаги дастлабки Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди. Ахборот технологиялари, моделлаштириш ва симуляция услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатига эга, интеллектуал салоҳияти юқори кичик командирлар тайёрланмоқда. (Давоми 2-саҳифада).

## Эркин индустриал-иқтисодий зонада

### Яна бир корхона иш бошлади

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида юқори кучлинишга чидамли электр кабеллари ва симлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна бир янги «NPC systems» (Hayat power cable systems) кўшма корхонаси иш бошлади.

Корхонанинг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси маҳаллий ва хорижий ишбилармонлар учун кенг имконият экани қайд этилди.

Мазкур иқтисодий ҳудудда бир қатор кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, рақамли телевидение сигналларини қабул қилиш ускунаси, ADSL модемлар, DSLAM қурилмалари ишлаб чиқаришда жаҳоннинг етакчи корхоналаридан бирига айланган «TELECOM INNOVATIONS» Ўзбекистон-Хитой-Сингапур кўшма корхонасида Хитойнинг «ZTE» компаниясининг янги лойиҳалари ва тўғридан-тўғри инвестицияси эвазига рақамли сигналларни қабул қилиш қурилмасининг янги IPTV турли ҳамда модемларнинг Home gateway серияли янги турлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Корхона 2012 йилда 8,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

«Полиэтилен қувурлар» шўъба корхонаси бугун рақобатбардор маҳсулот етказиб беришда етакчилик қилмоқда. 2013 йилнинг ўтган даврида маҳаллий истеъмолчиларга икки миллиард сўмликдан зиёд турли ҳажмда-

ги сув қувурлари етказиб берилди. «UzMind» Ўзбекистон-Хиндистон кўшма корхонасида эса бугун «GM-Uzbekistan» кўшма корхонаси ишлаб чиқараётган автомобиллар учун 22 турдаги эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда. Йилга 250 минг донга автокомпонент ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада янги пайтда янги истиқболли лойиҳалар устида изланишлар олиб борилаётган. Ўтган йили корхонада 17 миллиард 177 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 155 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Янги корхонада 150 киши иш билан таъминланди. Хитойлик сармоядорларнинг 20 миллион 450 минг АҚШ доллари қийматидаги инвестицияси кўмағида иш бошлаган мазкур корхона маҳаллий хомашёдан йилга 350 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. — Жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган турли ўлчамдаги мис ва алюминий кабеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонанинг асосий хомашё таъминотчиси Олмалик кон-металлургия комбинати ҳисобланади, — дейди янги корхона директори Евгений Ерофеев. — Замонавий дастгоҳларни бошқаришдаги мутахассисларнинг асосий қисми ёшлардир. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 60 фоизи экспорт қилинади.

Н.РАҲИМОВ,  
Ўза муҳбири



## ХОРАЗМ

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган «Обод турмуш шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

## ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Семинар доирасида ташкил этилган «Кўпмиллатли ва кўпконфессияли Ўзбекистон» кўргазмасида виллоятда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари миллий либослари, таомлари, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, тасвирий санъат асарлари намойиш этилди. Ватанини, тинчлик ва миллатлараро ҳамжихатликни мадҳ этишчи куй-қўшиқлар янгради.

## ЖИЗЗАХ

Фориш тумани марказий шифохонасида 2 миллиард 531 миллион сўмликдан зиёд қайта қуриш, қўшимча иншоотлар барпо этиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Муассасанинг барча бўлимлари «Саломатлик-2», «Саломатлик-3» лойиҳалари асосида замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

## ШИФОХОНА БИНОСИ ТАЪМИРЛАНДИ

2012 йилда туман тиббиёт бирлашмаси таркибидagi поликлиника ва юқумли касалликлар шифохонаси 1 миллиард 400 миллион сўмдан зиёд маблағ ҳисобидан реконструкция қилинган эди. 2013 йилда марказий шифохона таркибидagi жаррохлик, ички касалликлар, реанимация, болалар, гинекология, шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ҳамда 50 ўринли туғруқхона мажмуаси тулиқ таъмирланди. Бу ерда профилактика, таъхис, даволash ишларини замонавий тиббиёт талаблари даражасида амалга ошириш учун барча шартлар яратилган.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида виллоятдаги барча тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда Янгиобод тумани тиббиёт бирлашмаси муассасаларини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

## «Ўзбекистон матбуоти» III Миллий кўргазмаси

### Ютуқлар намойиши

Кеча «Ўзэкспомарказ» мажмуасида яна бир кўргазма иш бошлади. Президентимиз томонидан тақдир этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг ахборот соҳасини ислохот қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича белгиланган тадбирлар ижросига қаратилган мазкур нуфузли кўргазма Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Вазирлар Маҳкамасининг бевосита кўмағида ташкил этилди.

Кўргазмада 60 дан зиёд маҳаллий, 10 дан ортиқ хорижий давлатлар (Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Германия каби) компаниялари ҳам матбаа ускуна ва маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йиллари бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари, матбаа, нашриёт соҳалари учун ҳам



том маънода юксалиш даври бўлди. Жумладан, жорий йил 1 ноябр ҳолатига кўра агентлик томонидан рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари сони 1377 тани (720 таси газета, 286 таси журнал, 16 таси ахборотнома-буллетен, 4 таси ахборот агентлиги, 67 таси телевидение, 34 таси радио, 253 таси веб-сайтлар) ташкил этилди.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ва инвестицион имкониятларининг изчил солиб бориши оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ҳамда матбаа корхоналарини

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини бераётганлиги диққатга сазовор. Бир сўз билан айтганда, ушбу кўргазмада республика-мизнинг юзлаб босма даврий нашрлари ва нашриётлар иштирок этиб, матбуот ва ахборот соҳасида эришилган ютуқларни кенг маҳаллий ва халқаро жамоатчиликка намойиш қилляпти.

Кўргазма 22 ноябрга қадар давом этади. **Ўз муҳбиримиз. Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

## Обуна — 2014

Нашр йўналиши ва мазмун-мундарижасига кўра, обуначиларнинг қизиқиши ва талаб-эҳтиёжи бир-биридан фарқ қилади. Кимгадир жиддий, кимгадир кўнгилочар газета ёқади. Республикаимизда босма нашрларнинг сони тобора ортиб бораётган бир пайтда газетхонларнинг талаб ва истакларига мос иш тугган ва кенг омманинг эҳтиёжига жавоб берадиган нашргагина ўзининг ўрни ва нуфузига эга бўлиши табиий.

### Муштарий билан юзма-юз

Бу борада таҳририятлар жамоаларининг муштарийлар билан фақат газета орқали эмас, балки юзма-юз учрашувлари катта аҳамиятга эга. Чунки, мулоқот асоси ўзaro фикр алмашилади, тақдир-мулоҳазалар, янги фикрлар ўртага ташланади.

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ходимларининг виллоят касба уюшма фаоллари ҳамда муштарийлар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Виллоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган мулоқот чоғида Федерация Кенгаши томонидан белгилаб олинган устувор йўналишларни амалга оширишда, ушбу тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишда, меҳнат муҳофазасига оид илғор тажрибаларни оммалаштириш ва эришилаётган ютуқларни ёритишда касба уюшма нашрларининг ўзига хос ўрни борлиги таъкидланди.

(Давоми 4-саҳифада).

## Энг намунали бошланғич ташкилот

### Эътибор масъулиятга чорлайди



Жорий йил касба уюшмалари тизимида «Бошланғич ташкилотлар илҳомлантирувчи куч вазифасини ўтади. Касба уюшмалари ҳаракатини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар ўртасида маъқеини ошириш, жамоанинг ихтимой-иқтисодий ривожланишида бошланғич ташкилотларнинг фаол иштирокини таъминлаш, аъзолар ҳамда фаолларда ижодкорлик қобилиятини шакллантиришга қаратилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловининг қуйи босқичларида бу янада ёрқин намойён бўлди.

ЎзКУФК Ўқув марказида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги корхона, ташкилотлардаги касба уюшма кўмиталари ўртасидаги кўрик-танловнинг республика босқичи голиблигини тақдирлаш маросими ўтказилди. Даставвал, йигилганлар ҳудудларда голибликни қўлга киритган тармоқ кор-

хона ва ташкилотлар бошланғич касба уюшма кўмиталарининг фаолиятига оид кўргазмани қизиқиш билан кўздан кечиришди. Жамоа шартномалари ва унинг ижроси назоратга олинган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, турли тадбирлар ўз аксини топган стенд ва фотосуратлар меҳнаткашлар манфаати устувор эканлигини тасдиқдан ўтказди. (Давоми 2-саҳифада).

# Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигининг ҳуқуқий асоси



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

теллекул салоҳиятга эга, ўз Ватанига садоқатли, тиббий хизматнинг юқори малакали офицерларини, резерв ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлаш, Куролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касб тайёргарлиги даражасини мунтазам ошириш, уларни қайта тайёрлаш, махсус билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

2012 йилнинг 11 сентябрыда Президентимиз Ислам Каримов томонидан имзоланган «Мардлик» ордени таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Ватан

ҳимоячиларига бўлган юқсак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Майор Учқунжон Норов биринчилардан бўлиб маъзур ордено билан тақдирланди.

— Бундай эзгу ишлар юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фуқароларимизни янада фидойилик кўрсатишга, юқсак дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди, — дейди У.Норов. — Кўрсатилган ушбу юқсак ишончини ҳар томонлама оқлашга ҳаракат қиламан.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустақам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклландиган, жисмоний чиниқиш ва юқсак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланмоқда.

Конституциямизда мамлакатимиз Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий ахлтилигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиши, шу билан бирга, Ватанимизни ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи экани мустаҳкамлаб қўйилган. Бугун ҳар бир йигит учун Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, айни вақтда нуфузли ва шарафли ишга айланди. Муддатли ҳарбий хизматга олишда қаҳрилувларнинг соғлиғи, билим ва кўникмаси, дунёқарашини синовдан ўтказиш тизими йўлга қўйилгани Куролли Кучларимиз сафида жисмонан бақувват, юқсак интеллектуал салоҳиятга эга йигитларнинг хизмат қилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунинг самарасида аскарлар жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосликни сифатли ўзлаштирмоқда. Аxbорот-техникация технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва усуллари бўйича билимини оширмоқда. Замонавий қурол-яроғларни ишла-тишни, ҳарбий тактикани пухта эгал-

лаб, том маънода ҳарбий санъатни эгалламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида муддатли ҳарбий хизматга қаҳирув йилига бир марта — феврал-март ойларида ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2012 йилнинг 24 октябрыда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши Куролли Кучлар устидан самарали фуқаролик назорати механизминини шакллантириш, Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, шунингдек, давлатнинг мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсатини амалга ошириш ва ривожлантиришга фуқаролар ва жамоат бирлашмаларини жалб қилиш, ҳарбий касб нуфузини янада юқсалтириш, ҳарбий хизматчилар ва қаҳирувача бўлган ёшларга маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик туйғулларини шакллантириш сингари мақсадларга хизмат қилмоқда.

Президентимиз раҳномалигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш ва маиший шароитини яхшилаш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида юртимизнинг турли ҳудудларида ҳарбийлар учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Қўллаб-ҳарбийлар байрамни оиласи билан янги уйда кутиб олди.

— Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида уч хонали уйга кўчиб ўтдик, — дейди кичик сержант Дониёр Қаюмов. — Президентимиз томонидан биз, ҳарбийларга қаратилган бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдоримиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
УзА шарҳловчиси

## Эътибор масъулиятга чорлайди

Муқаддам Нарбаева, «Ангрен логистика маркази» ЁАЖ касба уюшма кўмитаси раиси:

— 2011 йилда ташкил этилган касба уюшма кўмитамизга 1782 нафар аъзо бирлашган. Корхонада ўтказиладиган барча тадбирлар режа асосида маъмурият билан ҳамкорликда амалга ошириб келинади. Энг муҳими, касба уюшмаси вакиллик органи сифатида тан олинди, ўзаро муносабатларда тенг ҳуқуқли ижтимоий шериклик асоси ҳисобланади.

Ходимларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириллаётди. Жумладан, меҳнат муҳофазаси бўйича ўтган йилга нисбатан жорий йилда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 20 фоизга ошди. Дам олиш ва ювиниш хоналари ташкил этилган бўлиб, 80 ўринли ётоқхонада барча шариот мавжуд. Ишчилар ёзги ва қишки махсус кийим ҳамда пойабзаллар билан таъминланган. Меҳнат муҳофазаси бўйича 27 та вақил сайланган бўлиб, ўтган йили уларнинг ўқуви ташкил этилди. Шунингдек, фуқаролар муҳофазаси йўналишида доимий равишда ўқув машғулотлари ўтказиб келинади.

Маданий-маърифий йўналишдаги иш режасига кўра, «Логистика», «Махсусюктранс» ва «Транзит юк терминали» унитар корхоналарида ўтган икки йил давомида 128 марта «Маънавият соатлари» ўтказилди. Эътиборга молик жиҳати, маъмурият томонидан маданий-маърифий тадбирларга жорий йилнинг 9 ойи давомида 60 млн. сўм сарфланди. Барча байрамларда турли кўрик-танловлар ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, миллий урф-одат ва анъаналаримиз кенг тарғиб этилади.

Корхонада жорий йилда амалиёт ўтаган 56 нафар касб-ҳунар коллежи ўқувчиларидан 20 нафарига касба уюшма кўмитаси томонидан белгиланган тартибда моддий ёрдам кўрсатилди ва битирувчилар имкон даражасида ишга қабул қилинди. Бугунги эътибор ва рағбат эса фаолиятимиз кўламини янада кенгайтиришга туртки бўлиши шубҳасиз.

Азамат Худойёров, «Бекободцемент» АЖ касба уюшма кўмитаси раиси:

— Жамятимизнинг мамлакатимиз иқтисодиётида, қурилиш соҳасида муносиб ўрни бор. Жумладан, корхона маҳсулотларидан республикамиз ва қўшни давлатлар иқтисодиётининг бутун бир тармоқлари асосига айланган қўллаб-қувватлаш объектлари қурилган.

«Бекободцемент» АЖ замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда юқори малакали муҳандислар, ишчи ва бошқарувчилар жамоасига эга. Жамяят ўн йиллар давомида юқори сифат даражасини сақлаб келаяпти. Ута муҳим муҳандислик конструкциялари ва иншоотлар, аэродром қопламалари, гидроэнергетика, кўприк қурилиши, темир йўллар учун темир-бетон деталларини ишлаб чиқаришда айнан Бекобод цементидан фойдаланилади.

Касба уюшма кўмитаси ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилиб келаяпти. Жумладан, таътилга чиқарилганларга иш стажига қараб бир, бир ярим ойлик иш ҳақи миқдоридан, турмуш қураётган ёшларга энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдоридан моддий ёрдам берилмоқда. Қолаверса, ходимлар учун қулай меҳнат шариоти яратиш борасида катта ишлар амалга ошириллапти.

Эътиборли томони, корхонага қарашли оромгоҳга жорий йилда 1,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, маскан замонавий қиёфа касб этди. Спорт-соғломлаштиришга эътибор алоҳида. Бундан ташқари, корхона тасарруфида Соғломлаштириш маркази бўлиб, у ерда қиш мавсумида минн футбол, баскетбол, волейбол мусобақалари, ёзда эса «Цементчи» стадионидан қўллаб спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Маданият уйида ўтказиб туриладиган турли маданий-маърифий тадбирлар, танловлар ишчи-ходимларимизнинг мазмуни хордиқ чиқаришига кўмак берапти.

Мақсуд Жабборов, «Қувасойцемент» АЖ касба уюшма кўмитаси раиси:

— Кейинги пайларда корхонамиз маъмурияти ва касба уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Натигада, «Рохат» профлакторийиси, Маданият уйи, стадион қайта таъмирланди. 2008 йилда Ташхис маркази қуриб ишга туширилган. Буларнинг ҳаммаси ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини асрашга қаратилган эътибор самарасидир.


Таъкидлаш жоиз, касба уюшмалари тизимида амалга оширилган ишловлар ходимларни ҳимоялашда қўл келаяпти. Жумладан, ўтган йили улардан 24 нафари республикамиздаги турли сийхатгоҳларда саломатлигини тиклади. Жорий йилнинг ҳозирги даврига келиб эса 41 нафар ходим санаторийларда дам олди. Ишловчиларни моддий қўллаб-қувватлаш кўлами ҳам ошиб бораётди. Эътиборли томони, касба уюшмаси ташаббуси билан ўтган йили жамоа шартномасига таътилга чиққан ходимларга бир ойлик иш ҳақи миқдоридан моддий ёрдам бериш белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, «Рохат» болалар оромгоҳида ҳар йили ишчи-хизматчиларнинг 800 нафар фарзанди дам олдирилмоқда. Ижтимоий шериклик асосида хайрли ишларга ҳам қўл урилмоқда. Ўтган йили Чирчиқдаги Болалар уйига маъмурият томонидан 5 млн. сўмлик кийим-кечаклар олиб берилган бўлса, касба уюшмаси томонидан 1 млн. сўмдан зиёд совғалар тақдим этилди. Байрамларда фахрийларимизни тақдирлаш ҳам йўлга қўйилган. Спорт-соғломлаштириш масалаларига бу йил 9 млн. сўмдан ортқ маблағ сарфланди. Спорт мусобақалари яхши йўлга қўйилган. Натигада, ўтган йили тармоқ ходимлари Марказий кенгаш томонидан ташкил этилган «Отам, онам ва мен» спартакиадасида корхонамиз вакили 1-ўринни кўлга киритди. Бу каби мисолларни қўллаб келтиришимиз мумкин. Асосийси, фаолиятимиздан ходимлар мамнун.

Акmal ТОШЕВ,  
«Ishonch» мухбири

### Касба сайр

Иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларидан бири бўлган туризмни янада ривожлантириш, туристик хизматлар сифатини замон талабларига мос равишда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимидаги «Касба сайр» шўъба корхонаси томонидан олиб борилаётган ишлар эътиборга сазовор.



### Аждодлар мероси — фахр манбаи

Тошкент вилоят Паркент тумани тиббиёт бирлашмасида фаолият юритаётган бир гуруҳ ходимларнинг Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларига саёхати ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари кўни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллиги муносабати билан уюштирилган маъзур саёхат барчада катта таассурот қолдирди. Дастлаб зиёратчилар кўна ва навқиром Самарқанддаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотлар билан танишиди.


Саёхатнинг иккинчи кўни улар Соҳибқирон туғилган юрт Шахрисабзда бўлиб, Оқсарой мажмуаси ва бошқа кўна ёдгорликлар, замонавий иншоотларни томоша қилишди.

— «Касба сайр» шўъба корхонаси ҳамда Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси касба уюшма кўмитаси томонидан уюштирилган ушбу саёхат бир умр эсда қоладиган бўлди, — дейди туман кўптармоқли поликлиникаси усмирлар шифокори Махмуда Юнусова. — Буюк аждодларимиз томонидан Самарқанд ва Шахрисабзда бунёд этилган осори атиқаларни кўриб, кўнглимиз фаҳрга тўлди.

Мамлакатимизда миллий қадриятларга юқсак эътибор, буюк аждодларимиз меросига муносиб эъзоз кўрсатилаётди. Айниқса, Имом ал-Бухорийи зиёратгоҳи йилдан-йилга ободонлашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда барпо этилган яшил майдонлар, чайқалиб турган мажнунтолларнинг ўзга-чаровати кишига ажиб ҳиссиётлар бахш этади.

Ғалпинг очиги, юртимиздаги кенг қўламли ободончилик ва бунёдкорликлар ақлини лол қолдиради. Буларнинг барчаси мустақиллик шариофати билан амалга оширилган буюк ўзгаришлар самарасидир.

### Улуғлардан қувват олиб



Яқинда Тошкент вилоятидаги пахта йиғим-теримида фаоллик кўрсатган касба уюшма аъзоларидан 48 нафари Бухоро шаҳрига саёхатга олиб борилди.

— Меҳнаткашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини қадрлаш фаолият самарадорлигини таъминлашди, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Қибрай туман кенгаши раиси Уткир Раazzoков. — Айниқса, бу борада «Касба сайр» шўъба корхонаси амалга ошираётган ишлар ибратли.

Мақсадимиз, тракторчи-механизаторлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимларини саёхатларга олиб бориб, мамлакатимизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари билан яқиндан таништириш эди, — дейди Пскент туманидаги Навоий худудида жойлашган Машина трактор парки касба уюшмаси кўмитаси раиси Дилмурод Ашурметов. — Бухородаги кўна обидалар, азиз авлиёлар мангу кўним топган масканларни зиёрат этиш улкан руҳий қувват бағишлади.

Нарзулла МАХАМОВ,  
«Ishonch» мухбири

### Семинар-тренинг

Тошкентда Фуқаролик жамяти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан БМТнинг тараққиёт дастури кўмағида «Давлат ҳоқимияти ва бошқарув органлари аxbорот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш — жамоатчилик билан самарали ҳамкорликнинг муҳим омили» мавзуда республика семинар-тренинги ўтказилди.

### Очиқлик ва ошқоралик сари

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳоқимликлари, вазирлик ва кўмиталар аxbорот хизмати раҳбарлари, маҳаллий ва марказий ОАВ вакиллари, депутатлар иштирок этган семинарда соҳада мавжуд ютуқ ва камчиликлар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, «Давлат ҳоқимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган ҳуқуқий экспериментнинг бориши юзасидан ҳисоботлар тингланди. Жумладан, ушбу вилоятларда ҳоқимлик органларининг аxbорот хизматлари сифати яхшиланишига қайд этилди. Журналистлар билан ўтказилган матбуот конференциялари сони кўпайганиги, интерактив хизматлар, интернет сайтларидаги маълумотлар ҳамма ва улардан фойдаланувчилар ортби бораётгани, туманлар мажмисидидаги аxbорот хизматлари моддий-техник базаси яхшиланаётгани қувонарли ҳол эканлиги эътироф этилди.

Шу билан бирга, баъзи вилоятларда ечимини қутаётган муаммолар мавжудлиги қайд қилинди. Фуқаролик жамяти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Салимжон Дониёров ўтказилган тадқиқотларга таяниб, соҳа бўйича ҳудудлардаги вазиятга батафсил шарҳ берди. Жумладан, туманлар даражасида аxbорот хизматлари штат бириккалари масаласи тўлиқ ҳал этилмаган, мавжудларини эса малакали кадрлар билан тўлдирishi муаммоси бор. Кўпинча аxbорот хизмати ходими вазифаларини бажариш соҳага алоқаси бўлмаган бошқа мутахассисга қўшимча иш сифатида топшириб қўйилади. Хизматнинг моддий-техник базаси ҳам етарли даражада эмас.

Семинарда йиғилганлар мавзу юзасидан ўз фикрларини билдиришди.

— Вилоятимизда бошқарув органлари аxbорот хизмати фаолиятини йўлга қўйишга катта эътибор берилади, — дейди биз билан суҳбатда Андижон вилоят ҳоқимлиги Аxbорот хизмати раҳбари Нарғиза Хушвақтова. — Бугун семинарда айтилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда Андижонда аxbорот хизматлари ва журналистлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Журналистлар томонидан талаб қилинган маълумотлар электрон ёзма шаклда зудлик билан етказиб берилди. Улар томонидан чоп этилаётган танқидий мақолаларга тезкор ва холис муносабат билдирилди. Кези келганда, ОАВ ходимлари ҳоқимлик органларининг мувожаатлари ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида объектив маълумотларни оммага етказишда бизга яқин кўмакдош бўлаётганини таъкидламоқчиман. Ҳоқимликларнинг аxbорот хизматлари ноутбуқлар, интернет тармоғи, фотоаппарат, видеокамера ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ҳозирги кунда вилоятнинг ҳар қайси ҳудудидан зарур маълумотларни бир неча дақиқа ичида қабул қилиб олиш ва сўралган ОАВга етказиб бериш имкониятига эгамиз. Вилоят ҳоқимлиги аxbорот хизмати икки нафар филолог ва бир нафар журналист кадр фаолият олиб борапти. Улар туманлардаги хизмат ходимларининг ишларида доимо ёрдам бериб боришади.

Улуғбек ИБОДИНОВ,  
«Ishonch» мухбири



Мушоҳада

Яқинда ишга кетаётган йўл-йўлакка суҳбатлашиб кетаётган мактаб ўқувчиларининг гаплари эътиборини тортди...

Эзгу ниятлар рўёби

Ўйлаб қолдим, ўқитувчи тилидан ўқувчига айтилган ушбу сўзлар 30 нафар ўқувчига қандай таъсир қилди экан?

Жамиятда ошқоралик ва сўз эркинлиги, аввало, ҳуқуқий асосларга таянади. Буни биз китобларда ўқиймиз...

Бугун ҳамма имконият, барча шарт-шароитлар, янгилик ва юзалишлар, энг аввало, эртамиз келаёганга...

Биз билмасдан туриб гапиролмаймиз, ўргатолмаймиз! Мақсадимиз — жамиятга етуқ, баркамол инсонлар етиштириб бериш...

Назокат МАШАРИПОВА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Дарҳақиқат, барча тоифадаги ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялашда...

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга жорий йилда 500 миллиард сўм йўналтирилиб, шундан 385 миллиард сўми банк кредитлари...

Бирлашма кенгаши раиси ўринбосари А.Ихтиёров йилнинг оқаришларини оқарди

Жамиятимизда матбуот сўзининг тобора таъсирчан ва қудратли бўлиб бораётганини ҳис этиб турибмиз. Маълумки, аксарият нашрлар муайян бир соҳага ихтисослашган бўлиб...

Газета саҳифаларида берилаётган ҳуқуқий маслаҳатлар тағдида кўпроқ марказдаги мутахассисларнинг имзолари кўринадди...

талабаларининг ҳам ҳаёти ва фаолияти қамраб олинади. Чунки инсон қаерда ишласин ёки ўқимасин...

нинг фикр ва мулоҳазалари, уларни қизиқтираётган масалаларга ҳам кенгроқ ўрин берилса, айни муддао бўларди.

А.Сангилов, вилоят КУТБК бўлими мудири: — Ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий технологияларнинг кенг миқёсда қилиб келатилиши, яъни, корхоналарнинг модернизация қилинаётгани ушбу тармоқларда меҳнат муҳофазасини ташкил этишга янгича ёндашишни тақозо этади.

Муштариий билан Юзма-Юз

лари олдидаги энг долзарб масаладир, — деди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилatchиси А.Қаримов.

— Нодавлат ташкилотларининг айримларида касабаси аъзоларига жалб этиш қийин кечмоқда. Бунда газетамиз мухбирлари билан яқин ҳамкорлик қилиш мумкин.

А.Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институтига уюштирилган газетхонлар билан мулоқот ҳар жиҳатдан самарали бўлди.

Обуна — 2014

мавзуга оид мутахассисларнинг мулоҳазалари мунтазам бериб борилса, кенг жамоатчиликка янада қизиқиш уйғотарди, деб ўйлайман.

Б.Қодиоров, Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилatchиси:

— Нодавлат ташкилотларининг айримларида касабаси аъзоларига жалб этиш қийин кечмоқда. Бунда газетамиз мухбирлари билан яқин ҳамкорлик қилиш мумкин.

А.Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институтига уюштирилган газетхонлар билан мулоқот ҳар жиҳатдан самарали бўлди.

Тиббиёт

ҚВПда кундузги даволаш бўлимлари

Ташлоқ туманида халқ саломатлигини, мустаҳкамлаш йўлида аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборли жиҳати, ҚВПларда кундузги даволаш бўлимлари ҳам ташкил этилиб, тиббиётнинг замонавий асбоб-анжомлари билан таъминланди.

Қишлоқ врачлик пунктларида она қорнида гўдакнинг юрак уришига қадар кузатиш мумкин бўлган «Доплер» аппаратлари, 5-6 физиотерапевтик даволашнинг амалга оширувчи жиҳозлар мавжуд.

Республика шoshiлиқ тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалининг 30 ўринли туман бўлимига ўрнатилган олти каналли кардиограмма аппарати, УЗИ, лаборатория ва рентген диагностика аппаратури ҳам беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берапти.

ҚВПларда меҳнат қилаётган 40 нафардан зиёд фикрорлар қайтадан малака ошириш курсларида ўқудилар ва ҳамдустлик мамлакатларида ўз малакаларини оширдилар.

Халқимиз саломатлигини ўйлаб, уларнинг соғлиқларини тиклаш учун барча шароитни яратиб бераётган Ўртобшомизга ўз миннатдорлигимизни билдирмасан, — деди тумани тиббиёт биноси бошқисми бош врач Абдураҳим Мамажонов.

Муҳаммадjon МАХМУДОВ, меҳнат фахрийси



Олтин куз завқи Аҳмад ТўРА суратлавҳаси

Хабар

Янги иш ўринлари


Навбахор туманида яна бир хайрли иш амалга оширилди. «Кўхрон» маҳалла фуқаролар йилғида пайпоқ ишлаб чиқарувчи цех ишга туширилди.

«Қора тоғ чорваси» фермер хўжалиги негизда очилган цехда кунига 220 дона пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда. Мухими, шу ерлик 6 нафар маҳаллий ёш иш билан таъминланди.

А. МАНСУРОВ

Фикр

Мантик... журналистика соҳасида жуда муҳим жиҳат. Шахсий нуқтан-назар ва тафаккурга, фалсафий мушоҳадага эга бўлмаган инсоннинг ўзини журналистадан деб аташга маънавий ҳаққи йўқ.



МАНТИК

Ўқувчилик йилларимизда «Фарҳод ва Ширин» достонидаги «Фарҳод ва Ширин образига характеристика» мавзусида иншо ёзганимизда, адабиёт ўқитувчимиз шу сўзларни кўп таъкидларди: «Достон ёки китобдаги текстдан кўр-кўрона кўчирилган иншоларга «2» баҳо қўяман. Иншодан мақсад, бир бирингининг асар қаҳрамонларига нисбатан шахсий мулоҳазангизни аниқлаш ва баҳолаш.

Журналистика соҳасининг муҳим шартларидан бири, бу мантиқдан тўғри фикрлашдир. Мантиқан фикрлашдан йироқ, кенг тафаккур ва фалсафий мушоҳадага эга бўлмаган ҳар қандай инсон вилдонан бу соҳадан воз кечгани маъқул. Ўз ҳолича мустақил равишда мақола ёзолмай, «бирволар кўмагига муҳтож бўлиб, умрини ўтказадиган, ёши бир жойга бориб қолган ходимнинг «менга ёзишга устозлик қилинг» дейиши жуда кулгили ҳол. Қайта-қайта сайқалланиб, газетда чоп этилган «мақола»дан ҳаволанган истеъдодсиз мухбирнинг гўёки математикадан билими «0» бўлса-да, дадаси муҳаббат билан масала учун «аъло» баҳо олиб гурурланган болага ўхшатиш мумкин.

Ёши, иш стажидан қатъи назар ўзини матбуот ходимидан, деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон, аввало, ўзини англаса, ўзига зиддан назар солиб, иқтидори ва истеъдоди қай даражада эканлигини ҳолисона баҳолай олса, ўйлашимизки, айни кўнгилдаги иш бўларди.

Қуруқ, манбалардан олинган тайёр фактлар ва тайёр информацион маълумотларни қорозга тушириш журналистнинг иши эмас. Ўз сўзи, фикри, теран мулоҳазаси мақолада уфуриб турган журналистга ўзини шу соҳа ходимидан дейишга ҳақли. Эҳ ҳолда, ҳашар йўли билан қайта-қайта «ишланган» мақолага бақовул бўлган соҳа мухбирлар матбуот шаънига путур етказиши тайин.

Бу фикр-мулоҳаза бошқа соҳа кишиларига ҳам баб-баравар тегишли. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб бежиз айтмайдиларку ахир!

Сайёра ШОДИЕВА

Бирни кўриб...

Қулай, замонавий аммо соғлигимизга зарари йўқми?

Хар ким ўзи учун қулай кийим танлайди. Кимгадир тор шим, яна бировга калта юбка, баъзилар учун узун кўйлак ёқади. Бизда андаза деган тушунча шунчалик шакланганки, бу кийимларимизда ҳам ўз аксини кўрсатапти.

Бугун мода деб бир-бирига умуман ўхшамайдиган либосларни кийиш урфга айланди. Айниқса, бу аёллар, балоғат ёшидаги қизларга хос. Қиш мавсуми бошланиши билан кўпчилик аёллар шим кийишга одатланганмиз. Шим иссиқ, юришга қулай. Бироқ шимни кўпчилик қорни очик ҳолда кияди. Бу эса буйрак касаллиги ва ички аъзоларнинг шамоллашига олиб келиши мумкин.

Баъзида кўча-кўйда қаттиқ совуқ бўлишига

қарамасдан, юпка кийимда юрган қизларни учратамиз. Шифокорларимиз қиш мавсумида табиий матодан бўлган қалин кийимларни кийиш соғлигимиз учун катта фойда эканлигини бежиз таъкидламасликларини ёдда тутайлик. Гоҳида бош кийимсиз юришни маъқул кўрамиз, бу ҳам соғлиққа салбий таъсир қилади.

Биз кундалик кийинишимиздаги айрим кўз илғамас хатоларимиз ҳақида тўхталик. Фикрларимиз сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз. Кийимларимиз хоҳ замонавий бўлсин, хоҳ оддий, улар соғлигимизга салбий таъсир ўтказмасин, касалликка сабаб бўлмасин, балки кўрғон вазифасини ўтасин.

Рухия ИСМОИЛОВА

Футбол

Очиғи, миллий терма жамоамизнинг ғалабаларини соғиниб қолгандик. Айниқса, жаҳон чемпионати йўлланмаси қўлга киритилмагани нафақат мураббий ва футболчиларнинг, мухлисларнинг ҳам кайфиятини тушириб юборганди.

Биз — ғолибмиз!

Шунинг учун ҳам кейинги йили Австралияда бўлиб ўтадиган Осиё кубоғи саралаш босқичи иштирокчисига айланганимиз бизни бироз юпатди. Дастлабки учрашуларда ишончли ҳаракат қила олган вакилларимиз кейинги турларда муҳим ва керакли ғалабаларга эришгани қувонарли ҳол бўлди. Бунда таркибга қўшилган ёшларнинг хиссаси катта. Жамийд Искандаров, Ислом Тўхтажоев, Игор Сергеев, Сардор Рашидов, Элдорбек Суёнов, Даврон Ҳошимов каби ёшлар билдирилган ишончли оқлашди, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Бизга охириги пайтларда қулай вазиятлардан умумий фойдалана оладиган ҳужумчи етишмаётганди. «Бухоро» клубидан терма жамоага қақирилган Воҳид Шодиев кетма-кет иккита ўйинда гол уриб, яхшигина мерган эканини исботлади.

Албатта, камчиликларимиз, қилиниши керак бўлган ишлар етарли. Лекин Ветнам ва Гонгконг мағлуб этилди, Осиё кубоғи финал босқичи йўлланмаси қўлга киритилди. Бугун биз ғалабани нишонлашга ҳақлимиз. Ғалаба янги-янги зафарларни эргаштириб келаверсин, азизлар!

Бекмурод АЛМАНОВ, мухлис

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi logo and contact information.

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev, Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'Indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

ISSN 2010-5003, Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B. Rizayev, Navbatchi: U. Ibodinov, Musahhih: S. Shodiyeva. Bosishga topshirish vaqti: 21.00. Topshirishi: 21.15. E-mail: ishonch2012@gmail.com. 13576 nusxada bosildi | 1 2 3 4